

Дурбек Обиджонович РАҲИМЖОНОВ
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
 ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
 тарих фанлари номзоди

НАСАФ УЛАМОЛАРИНИНГ ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ УЧЕНЫХ НАСАФА В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКИХ НАУК

THE ROLE OF NASAF SCIENTISTS IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES

Аннотация: Мақола Мовароуннахрнинг қадимий Насаф шаҳридан чиққан олимларнинг минтақада ва умуман ислом оламида илм-маърифат, хусусан, ислом илмлари ривожигаги ўрнини ёритиб беришга бағишланган. Дарҳақиқат, Буюк ипак йўлида жойлашган ва кўҳна маданий тарихга эга бўлган ушбу илм марказида кўплаб олимлар етишиб чиқдилар. Шунингдек, ушбу шаҳар ўрта асрларда турли ўлкалардан келган илм эгаларининг илмий изланишлар олиб боришларида муҳим ўрин тутган маскан вазифасини ўтаган эди.

Таянч сўз ва иборалар: Мовароуннахр, Насаф, ислом илмлари, тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, насафийлар, зуҳд, бағрикенглик, илм-маърифат.

Аннотация: Статья посвящена освещению роли ученых древнего города Насаф в Маварауннахре в развитии науки и просвещения, в частности, исламских наук в регионе и в исламском мире в целом. Действительно, многие ученые преуспели в этом научном центре, расположенном на Великом шелковом пути и имеющем древнюю культурную историю. Также этот город в средневековье служил важным местом для ученых из разных стран для проведения научных исследований.

Ключевые слова и фразы: Маварауннахр, Насаф, исламские науки, тафсир, хадис, калом, фикх, насафийты, зуҳд, толерантность, знание.

Annotation: The article is devoted to highlighting the role of scientists of the ancient city of Nasaf in Mawaraunnahr in the development of science and education, in particular, Islamic sciences in the region and the Islamic world in general. Indeed, many scientists have succeeded in this scientific center, located on the

Great Silk Road and with an ancient cultural history. Also, this city in the Middle Ages served as an important place for scientists from different countries to conduct scientific research.

Keywords: Mawaraunnahr, Nasaf, Islamic sciences, tafsir, hadith, kalam, fiqh, nasafis, zuhd, tolerance, knowledge.

КИРИШ

Насаф шаҳри ўрта асрларда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннахрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турган шаҳарлардан эди. Бу даврда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар [1:7]. Комусий олим Абу Ҳафс Насафийнинг (1068-1142) “Китоб ал-қанд” ва Абу Саъд Самъонийнинг (1113-1167) “Китоб ал-ансоби” каби асарлари берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Усрушана, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Келтирилган рақамлар юқорида зикр этилган Насаф шаҳрининг Мовароуннахр микёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Насафда илм таракқиётининг бу даражада юқори бўлишининг асосий омилларидан бири бу шаҳарнинг кўҳна тарихга эга бўлганлигидир. Буюк ипак йўли устида жойлашган ушбу шаҳарда қадимдан савдо-сотик муносабатлари билан бир қаторда илм-маърифат ҳам ривож топди. Зеро, ушбу ўлкада илм-маърифатнинг ривожига қадимий цивилизацияларга хос бўлган илғор фалсафий қарашлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди [12:724]. XII асрда яшаган марвлик жаҳонгашта олим Абу Саъд Самъоний Насаф шаҳрига таъриф бериб шундай дейди [5:486-487]:

“Насаф Мовароуннахр шаҳарларидан бири бўлиб, уни Нахшаб деб ҳам атайдилар. Мен

у ерда икки ойча яшаб, уламоларидан ҳадис эшитдим. Насафдан ҳар бир илм соҳасида кўплаб олимлар чиққан бўлиб, уларнинг сон-саноғи йўқ. аббосий халифаларни, хусусан, ал-Муътасимни мактаб қасидалар ёзган араб шоири Абу Таммом Хубайб ибн Авс ўзининг халифа Муътасимга (833-842) ёзган қасидасида Насаф ҳақида шундай дейди:

Рум сендан ўз ертўласида туриб даҳшатга тушади,

Турклар эса Насаф ортидан туриб сендан кўркади” [9:17].

Дарҳақиқат, Насаф IX асрда Аббосийлар (749-1258) халифалигининг турклар билан чегарадош ҳудудларида жойлашган эди. Абу Ҳафс Насафий даврида Насаф йирик тижорат, ҳунармандчилик маркази бўлиб, унда илм-фан барқ уриб ривожланган. Унинг мамлакат пойтахти Самарқанд билан алоқалари жуда мустаҳкам бўлган. Бу шаҳар XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилиб, унинг яқинида XIV асрдан бошлаб Қарши шаҳри пайдо бўлди [14:450].

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам эрта даврлардан бошлаб ривожланди. Буюк муҳаддис Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Зеро, Насафда ҳадис илми тараққиётининг илк даври Имом Бухорийнинг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (ваф. 892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, унинг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланди. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинди. Улар Имом Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф деб билар эдилар [10:91-93].

Насаф муҳаддисларининг ўзига хос томони шунда эдики, улар зуҳдга (зоҳидликка) кўпроқ эътиборни қаратар эдилар. Зуҳд деганда улар таркидунёчиликни эмас, балки мулоимлик, хушмуомалалик озга сабр қилиб, асосий эътиборни илмга сарфлашни назарда тутар эдилар. Бунда уларга Хуросон уламолари

ўрнак бўлдилар. Насафда ҳадис илмининг илк даври намояндаларидан бири Абу Абдуррахмон Муоз ибн Яъқуб Насафий Косаний (IX аср) балхлик муҳаддис Ҳотим ибн Улвон Асамм Зоҳиддан (IX аср) зоҳидликка оид ривоятларни келтиради. Косаний 834 йили Насафда жоме масжидини қурдирди. Бу масжид, Абу Ҳафс Насафийнинг гувоҳлик беришича, XII асрда ҳам мавжуд бўлган. Шу билан бирга бир работ қурдириб, ёнига қудук қазитди ва таҳорат учун жой тайёрлатди. Бу иншоотлар жойлашган кўча – “Абу Абдуррахмон аз-Зоҳид уйи”, XII асрда эса “Сиккат аз-зуҳҳод” (“Зоҳидлар кўчаси”) деб аталарди [1:244].

Насаф тарихида машҳур муҳаддислар сулоалари катта ўрин тутади. Улардан бири Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ан-Насафий (ваф. 892 й.) – Насафдаги ҳадис илми тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Ўша даврда ҳадисларни отадан-болога, авлоддан-авлодга узатиб ривоят қилиш анъанага айланган бўлиб, Насафда ана шундай муҳаддис оилалари жуда кўп эди. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни устоз сифатида ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар. Абу Зайд Насафдаги ана шундай муҳаддис оилаларидан бирининг бобокалони эди.

Абу Зайднинг анъаналарини давом эттирган унинг икки ўғли – Абу Солиҳ Халаф ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 908 й.) ва Абу Ҳомид Зайд ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 957 й.), невараси ва шогирди – ўғли Абу Солиҳнинг фарзанди бўлмиш машҳур Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф Насафийлар (ваф. 957 й.) ҳам Насафда ҳадис илмини ривожлантиришда катта хизмат қилиб, ўз ота-боболарининг ишини давом эттирдилар [1:304-306].

Насаф VIII-XII асрлар давомида Мовароуннаҳрда ҳадис илми марказларидан бири бўлиб қолди. Насаф шаҳри бутун вилоят илм толиблари учун марказий мактаб бўлиб хизмат қилди. Бу ерга Пазда, Касби, Косан, Варсин, Яғна, Навқат-Курайш, Офурон, Зодак, Қалосий, Муда, Санжон, Фижкат, Моймарғ каби шаҳарча ва қишлоқлардан олимлар илм олиш учун келар эдилар. Бу шаҳарда фаолият олиб борган муҳаддислар ҳақида икки махсус асар яратилди. Улардан биринчиси – “Муфохарот аҳл Кисс ва Насаф” (“Кеш ва Насаф аҳли тортишувлари”) Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдуя

Варсиний (ваф. 927 й.) томонидан яратилди. Афсус, бу асарнинг номигина бизга маълум. Насафлик муҳаддислар ҳақидаги иккинчи асар икки жилдли “Таърих Насаф”дир. Уни Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафийрини Насафий (ваф. 1041 й.) таълиф этди [5:588]. Бу асар бизгача етиб келмаган бўлсада, у Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Мазкур икки асардаги маълумотлар “Китоб ал-қанд”да тўлиғича сақланиб қолди.

Мусулмон жамияти ҳаётида юз берган ўзгаришлар табақот жанридаги асарларнинг таркиб ва тузилишига таъсир кўрсатди. Араб халифалиги таркибидаги шаҳарларда ҳадисга оид илмларнинг ривожланиши алоҳида шаҳар ва туманлардан чиққан ҳадис ривоятчилари табақаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай рўйхатлар ўша шаҳарга тегишли саҳоба ва тобеинларнинг таржимаи ҳоллари билан бошланиб, ундан сўнг шу жойдан чиққан ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини ўз ичига олган. Муҳаммад ибн Ҳиббон Бустийнинг (ваф. 965 й.) “Китоб ат-табақот ал-исбаҳонийа”, Солиҳ ибн Аҳмад Ҳамадонийнинг (ваф. 994 й.) “Табақот ал-ҳамадонийин” асарлари шу тартибда тузилган. Кейинроқ ёзилган “шаҳарлар тарихи” жанридаги асарларнинг анчагина қисмини ҳадисшунос ва мутакаллимларнинг таржимаи ҳоллари ташкил этади. Аммо бу жанрдаги Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 1071 й.) “Таърих Бағдод”, Ибн Асокирнинг (ваф. 1176 й.) “Таърих Димашқ” ва бошқа асарларда фойдаланишга қулай бўлсин учун бу шаҳарлардан чиққан машҳур фозил кишиларнинг таржимаи ҳоллари алифбо тартибида жойлаштирилган.

Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг (ваф. 1015 й.) “Китоб ал-камол фи ма’рифат ар-рижол мин ‘уламо’ Самарқанд” [1:240] асаридир. Бу асар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафийрини (ваф. 1041 й.) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳам бизгача етиб келмаган [13:60-61].

Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи ма’рифат уламо Самарқанд” асарининг қимматли томонларидан бири шундаки, у

бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни беради. “Китоб ал-қанд” баъзи манбаларда “Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд” деб номлангани сабабли 1991 йилда манбанинг танқидий матнини нашрга тайёрлаган Назар Муҳаммад Форёбий худди шу ном остида асарни чоп этди [1].

“Китоб ал-қанд” асарида муаллиф Мовароуннаҳр, хусусан, Насаф тарихи ва уламолари ҳақидаги маълумотларни жамлашда ўзидан аввалги манбалардан унумли фойдаланган. Масалан, Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг (ваф. 1015 й.) “Китоб ал-камол фи ма’рифат ар-рижол мин ‘уламо’ Самарқанд” (“Самарқанд уламоларидан ҳадис кишиларини билиш бўйича мукамал китоб”) асаридир [1:240]. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлсада, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг асарларида, хусусан, Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асарида сақланиб қолган. Абу Ҳафс ўз асарида бу манбадан 421 жойда фойдаланган [15:371]. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Идрисий асарининг асосий қисми “Китоб ал-қанд”да сақланиб қолган. Яна шуни айтиш мумкинки, Насафий ўз китобига Идрисийнинг асарини тўлиқ киритиб, уни янада тўлдирганидан сўнг бирламчи манбага эҳтиёж қолмай унинг нусхалари йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Жаъфар ибн Муҳаммад Мустафийрини Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳақида ҳам юқорида келтирилган фикрларни айтиш мумкин. Чунки бу асар ҳам бизгача етиб келмаган ҳисобланиб [13:60-61], Абу Ҳафс Насафий “Китоб ал-қанд” асарида 169 жойда Мустафийридан ривоят қилади [15:371].

Насаф ҳақида яна кўплаб олимлар ўз асарларида маълумотлар келтирганлар. Жумладан, Ҳамавий ўзининг «Муъжамул булдон» асарида Насаф шаҳрини Жайхун ва Самарқанд орасидаги йирик марказ бўлганлигини ва у ерда кўплаб олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар келтиради [11:49].

Мовароуннаҳрлик муаллифлардан ташқари мусулмон оламининг бошқа ўлкаларидан чиққан олимлар ҳам ўз асарларида юртимиз

уламолари, хусусан, Насаф олимлари ҳақидаги маълумотларни ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Масалан, Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий (ваф. 1071 й.) “Таърих Бағдод” китобини ёзишда Абу Саъд Идрисийдан Хусайн ибн Муҳаммад Муаддиб орқали 38 ерда иқтибос келтирган [8:276]. Шунинг учун ҳам Насаф тарихига оид маълумотларни Хатиб Бағдодийнинг китобидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (ваф. 1167 й.) ўзининг “Китоб ал-ансоб” асарида юқорида номлари зикр этилган Насаф ва Самарқанд уламолари тарихи бўйича асар ёзган муаллифларнинг илмий меросларидан қўшлаб маълумотларни иқтибос қилган. Масалан, Абу Ҳафс Насафийни ўз устозлари қаторида санаб, унинг “Китоб ал-қанд” асаридан Самъоний ўз асарида 27 жойда унинг номини тилга олади [6:340]. Шунинг учун ҳам “Китоб ал-ансоб” асари, шубҳасиз, Насаф олимлари ҳақидаги маълумотларни тиклашда асосий манбалардан биридир. Ибн Нажжор номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Бағдодий (ваф. 1245 й.) “Зайл Таърих Бағдод” асарида Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди Самъонийнинг маълумотларидан фойдаланади [4:100]. Ибн Нажжорнинг асари ҳам ўлкамиз илмий-маърифий тарихини тадқиқ этишда қўшимча манбалар қаторида туради.

Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг Абу Ҳафс Насафий асаридан сайланма тарзида яратган “Мунтахаб”и ҳам ўрганилаётган мавзу бўйича учун зарурий манбалардан биридир. Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” ва Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандийнинг “Мунтахаб” асарлари 1232 та мовароуннаҳрлик уламоларнинг таржимаи ҳолини беради. Улар VIII-XII асрларда маънавиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб борганлар. Китобга, асосан, Самарқанд шаҳри билан боғлиқ бўлган – бу шаҳарда туғилган, яшаган, фаолият олиб борган, вафот этган ёки қайсидир жиҳатдан шаҳар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган уламоларнинг номлари киритилган. Аммо асарда Самарқанд шаҳридан ташқари Дабусия, Кушония, Кеш ҳамда Насаф каби шаҳар ва қишлоқлар билан боғлиқ уламоларнинг таржимаи ҳоллари ҳам қўшлаб учрайди. Чунки юқорида қайд этилганидек,

муаллиф ўз олдига нафақат Самарқанд шаҳри, балки Сўғди Самарқанд вилояти муҳаддислари биографик луғатини тузиш вазифасини қўйган.

Мазкур асарда келтирилган 950 дан ортик ҳадис Мовароуннаҳр маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, қадриятлар соҳаларини акс эттиради.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асарида уламоларнинг исмлари ўзига хос тарзда алифбо тартибида жойлаштирилган. Унда исмлар бош ҳарфига кўра гуруҳларга жамлаб, гуруҳлар алифбо бўйича тартибланган. Масалан, Холид, Халаф ва ҳ.к. каби исмлардан сўнг Довуд, Заквон исмлари келади. Аммо гуруҳлар ичидаги бир хил ҳарф билан бошланувчи исмлар ўзаро алифбо тартибида эмас, балки шахсларнинг ислом тарихида эгаллаган мавқеи даражаларига кўра, яшаб ўтган даври бўйича ёки мазкур шахсларга номдош бўлишига кўра тартибга солинган. Масалан, араб алифбосига кўра Қутайба ибн Муслим (704-715) номи Қусам ибн ал-Аббос (в. 675 йилдан кейин) номидан олдин келиши керак эди, аммо асарда аксинча, Қутайбанинг таржимаи ҳоли тарихийликка кўра Қусамдан кейин келади. Бундан ташқари, Али исмли уламоларнинг номлари, илк халифаларнинг тарихига кўра, Умар ва Усмон исмли шахслардан кейин жойлаштирилган ва ҳ.к. Асарда тартиб исмлар бўйича бўлса-да, номдан аввал олимнинг лақаб ва кунyasi берилган. Масалан, Али исмли олим номи Шайх Имом Абул Ҳасан Али ибн Хусайн ... тарзида келтирилган [1:435]. Бу эса алифбо тартиби бўйича бирор номни қидириб топмоқчи бўлган киши учун муайян қийинчилик туғдиради.

“Китоб ал-қанд” Самарқанд шаҳри номи билан боғлиқ бўлса-да, унда Сўғд вилоятидаги қишлоқлар, кичик шаҳарлар, жумладан Насафга тегишли бўлган уламолар ҳам ўрин олганлар. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафий “Самарқанд” номи остида ўша даврдаги “Сўғди Самарқанд”ни назарда тутган. Асарнинг бу йўналишда ёзилишига маълум даражада унинг манбалари ҳам таъсир этди. “Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд” [1:435] номли асари ўзининг манбаларига кўра шартли равишда икки қисмдан иборат: 1) ёзма манбалардан кўчирилган таржимаи ҳоллар (Абу Саъд Идрисийнинг “Китоб

ал-камол”, Абул Аббос Мустафийнинг “Таърих Насаф”, Салломийнинг “Таърих ас-Салломий”, Абдуллох ибн Али ал-Бохилийнинг “Китоб ал-Бохилий” каби 60 дан ортиқ асарлардан); 2) муаллиф XI-XII асрларда яшаган Самарқанд маънавий муҳити билан боғлиқ юзлаб муҳаддислар ҳақида маълумот беради. Шулардан Абу Ҳафс Насафий “Китоб ал-қанд”нинг бизгача етиб келган қисмидаги маълумотларга кўра, 100 га яқин муҳаддис билан бевосита мулоқотда бўлган.

Ҳар бир номдан кейин уламанинг мазкур минтақадан чиққан эканлигини билдириш учун унинг “ас-Самарқандий” ёки “Насафий” нисбаси берилади. Агар номи зикр этилаётган олим самарқандлик, кешлик ёки насафлик бўлмаса, унинг қайси жиҳатдан бу шаҳарлар билан алоқадорлиги ҳақида қўшимча маълумот келтирилади. Шундан сўнг мазкур олим ҳақида мавжуд бўлган қисқагина асосий маълумотлар берилади: туғилган ва вафот этган саналари, у кимдан ҳадис ривоят қилган ва ундан кимлар ҳадис ривоят қилганлиги санаб ўтилади. Шундан сўнг у ривоят қилган бир ёки бир неча ҳадис матни исноди билан берилади. Тарихда машҳур бўлган баъзи шахслар ҳақида жуда батафсил тўхталиб, у ҳақда иложи борича кенгрок маълумот келтирилади. Ундан кейин эса у ривоят қилган бир эмас, бир неча ҳадис матни ва ҳадис иснодлари санаб ўтилади. Ана шундай шахслардан мисол тариқасида Қусам ибн ал-Аббос, Қутайба ибн Муслим, Абу Муслим каби кишиларнинг таржимаи ҳолларини зикр этиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насаф шаҳри ўзининг қадимийлиги, илмиймаърифий марказ бўлганлиги, кўплаб олимларни етиштириб чиққанлиги билан нафақат ислом оламида, балки дунё илм-фани ривожига ҳам муҳим ўрин тутди. Бу юртдан чиққан олимларнинг асарлари бугунги кунда ҳам илмий тадқиқотларга жалб қилиниб, ундан маънавий меросимизнинг ноёб дурдоналарини олишда фойдаланилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.

2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.

3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд (дек ширин китоб) / Арабчадан қисқартириб таржима қилувчилар: Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001 (бундан кейин: Қанд. 2001).

4. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий. Зайл Таърих Бағдод / Мустафо Абдулқодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997. – Т. 20. – 184 б.

5. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Ал-Ансоб: – Ж. V. / ‘Абдуллох ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.

6. Абдуллох Умар ал-Борудий. Фаҳорис // Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Ал-Ансоб. – Т. VI. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998. – 648 б.

7. Абу ‘Абдуллох Муҳаммад ибн Маҳмуд Ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий. Зайл Таърих Бағдод. – Т. 20 / Мустафо ‘Абд ал-Қодир ‘Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1997. – 184 б.

8. Акрам Дийо ал-Умари. Маворид ал-Хатиб ал-Бағдодий фи-Таърих Бағдод. – Димашк, Байрут: Дор ал-қалам, 1395/1975.

9. Ал-Мунжид фи-л-аълум. 5-нашр. – Байрут. – 1987. – 709 б.

10. Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000. – № 2. – Б. 91-93.

11. Уватов У., Оқилов С., Даминов Э. Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий мероси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – 304 б.

12. Ходжамқулов У.Н. Илм-фаннинг ривожланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти // <https://journals.indexcopernicus.com/api/file/viewByFileId/1189449.pdf>

13. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – Москва: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 б.

14. Бартольд В.В. Сочинения. – Т. III: Работы по исторической географии. – Москва – 1965. – Б. 450. – 712 с.

15. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // Arabica. – 1986. – № 33. – Б. 369-382.